БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 86 (19.757). • 1987 йил 15 апрель, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

## «ҚИЗИЛ ШАНБАЛИК» ТЎЛҚИНИДА

● **«ДЖИЗАКСТЕПСТРОЙ»га қарашли Пахтакор автотранспорт колоннасидан** илғор ҳайдовчилар А. Кошуба, Р. Сиддиқов ва Э. Расс коммунистик шанбалик кунида тежалган ёнилғи ҳисобига ишлашга аҳд қилдилар. Мазкур корхона коллективи ишлаб топилган барча маблағни Совет тинчлик фондига ўтказишга қарор қилди.

● **«УЗКООПСТРОЙМОНТАЖ» трестининг Наманагандаги механизациялашган кўчма колоннаси меҳнаткашлари** ленинча шанбалик кунида одатдагидан анча кўп — ўн минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришга қарор қилдилар.

● **«СИРДАРЬЯВОДСТРОЙ» трестига қарашли механизациялашган кўчма колоннадан** А. Усмонов, А. Иль ва А. Родермель бошлиқ комплекс бригадалар Коммунистик шанбалик кунида асосий кучларни уй-жой объектларидаги пардозлаш ишларига сафарбар этадилар. Барча ишлар Комсомол ва Ильич районларидаги ўнлаб оилалар Биринчи Май байрамигача обод квартираларга кўчиб киришларини мўлжаллаб, ташкил этилади.

(ЎзТАГ).

## ЧИГИТ ЭКИШ БОШЛАНДИ

Республикамиз областларида чигит экишнинг бориши тўғрисида шу йил 13 апрелга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — мавсум бошидан буён.

| | |
|---|---|
| Фарғона | 49,1 |
| Андижон | 46,2 |
| Сурхондарё | 25,4 |
| Тошкент | 18,5 |
| Наманган | 14,9 |
| Самарқанд | 4,1 |
| Сирдарё | 3,4 |
| Жиззах | 2,6 |
| Навоий | 1,3 |
| Бухоро | 1,0 |
| Хоразм | 0,2 |
| ҚҚАССР | — |
| Қашқадарё | — |
| Республика бўйича: | 13,8 |

# МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ЎҚУВ СИСТЕМАСИНИ ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

*КПСС Марказий Комитети Лойиҳаси*

Совет жамияти ҳаётида катта ўзгаришлар бўлмоқда, ижобий тенденциялар кучайиб бормоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми, КПСС XXVII съезди ишлаб чиққан социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, жамият ҳамма соҳаларини қайта қуриш ва сифат жиҳатидан ўзгартириш стратегик йўлининг амалда рўёбга чиқариш жараёни тобора кенгайиб ва чуқурлашиб бормоқда.

Партия жамиятни соғломлаштириш учун курашни авж олдирар экан, бу улкан ишни эътиқоднинг мустаҳкам пойдеври устига қуриш зарурлигига асосланади. Миллионлаб меҳнаткашлар онгини шакллантириш, уларнинг психологиясини ва тафаккурини қайта қуриш руҳида ўзгартириш — идеология фаолиятининг асосий вазифаларидан биридир. Бу фаолият социал практика билан мустаҳкам мувофиқлаштирилганлиги, ғоявий-назарий мазмунининг теранлиги, ички ва халқаро ҳаёт реалликларини, меҳнаткашларнинг ортиб бораётган эҳтиёжларини тўла ва аниқ ҳисобга олиши, одамларга яқинлиги, ҳаққонийлиги, далилларга асосланганлиги, конкретлилиги билан ажралиб туриши керак.

Идеология ишини унинг ҳамма йўналишларида чинакамига кучайтириш талаб қилинади. Партия XXVII съезди, КПСС Марказий Комитети 1987 йил январь Пленуми талабларига мувофиқ равишда сиёсий ва иқтисодий ўқув системасини қайта қуриш, уни расмиятчилик ва қироатхонликдан халос этиб, унга ижодий тус бериш зарур. У коммунистларни, меҳнаткашларни сиёсий жиҳатдан етук фикр юритиш ва ҳаракат қила олишга ўргатиши, назарий билимларга жонли қизиқиш туғдириши, бу билимларни амалда қўлланишга ўргатиши, социалистик идеаллар ва социалистик турмуш тарзи, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор формалари оммалаштирилиши ва қарор топишига кўмаклашиши керак.

## I. Мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш шароитида марксча-ленинча таълим

Марксча-ленинча таълим — кадрларни ғоявий жиҳатдан чиниқтиришнинг, меҳнаткашларга сиёсий билим бериш ва тарбиялашнинг, инсон омилини активлаштиришнинг таъсирчан воситасидир. Жамиятни революцион тарзда қайта қуришда, шахсни тарбиялашда ва коммунистик идеологияни қарор топтиришда унинг аҳамиятини социалистик қурилишнинг бутун тажрибаси тасдиқламоқда. Марксча-ленинча таълим совет кишилари маънавий турмушининг ажралмас қисми, партиянинг омма билан алоқасининг ғоят муҳим формаси бўлиб қолди.

Ҳозирги вақтда ўқувга талаб анча ошди. Асримизнинг социал ўзгаришлари бундан буёнги ижтимоий тараққиёт шароитларини ҳам ўзгартиради. Янги иқтисодий, сиёсий, илмий-техникавий, ички ва халқаро омиллар ишга тушмоқда. Меҳнаткашларнинг маълумоти ва хабардорлиги даражаси ошди. Социалистик демрокатизм чуқурлашиб, халқнинг ўз-ўзини бошқаруви ривожланиб бормоқда, ошкоралик ва ҳаққонийлик тобора кўпроқ қарор топмоқда, қадриятларга қайта баҳо бериш, уларни ижодий мушоҳада қилиш давом этмоқда, ташкилотчилик ва идеология ишларининг янги методларини излаш кенгайиб бормоқда.

Характери жиҳатидан мислсиз мураккаб ва кўламлари жиҳатидан тарихий вазифалар, жаҳондаги икки системанинг ғоявий жиҳатдан қарама-қарши кураши кескинлашганлиги яхлит марксча-ленинча дунёқарашни шакллантиришда, сиёсий маданиятни, совет кишиларининг меҳнат ва социал активлигини оширишда олға томон жиддий ҳаракат қилиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Партия ташкилотлари сиёсий ўқув ва иқтисодий таълимни яхлит, бир-бири билан мустаҳкам боғланган, бир-бирини тўлдирувчи ва бойитувчи таълим формаси деб қарашлари керак. Сиёсий ўқув социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришни, социалистик ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш заруратини чуқур англаб етишга ёрдам беради, иқтисодий таълим эса совет жамияти етуклигини ошириш, социалистик демократия ҳамда халқнинг ўз-ўзини бошқарувини ривожлантириш йўллари ва методларини ўзлаштириб олишга кўмаклашади.

Жамият тараққиётининг ҳозирги бурилиш босқичида сиёсий ва иқтисодий ўқув:

мамлакатни революцион тарзда янгилаш ҳамда социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришнинг таъсирчан воситаси бўлиши, жамият турмушининг ҳамма соҳаларини қайта қуришда партияга ёрдам бериши;

меҳнаткашлар марксизм-ленинизм таълимотини чуқур ўзлаштириш асосида партия сиёсатини ишлаб чиқишда онгли равишда иштирок этишларига ҳамда бу сиёсатни амалга оширишда ҳалол ижодий меҳнатлари билан шахсий ҳисса қўшишларига кўмаклашиши;

ҳар бир киши ҳозирги даврнинг кескинлигини тушуниб етишини таъминлаши, янгича сиёсий ва иқтисодий тафаккурни шакллантириши, кадрлар психологиясини XXVII съезднинг новаторларча ёндашуви, КПСС Марказий Комитети 1987 йил январь Пленуми қарорлари руҳида қайта қуриши;

ижтимоий ҳодисаларга аниқ синфий, интернационал позициялардан туриб баҳо беришга, социализмнинг идеалларини ва маънавий қадриятларини, КПСС халқаро сиёсатининг принциплари ва стратегиясини, ишимизнинг тарихан ҳаққоний эканлигини ҳимоя қила олишга ўргатиши керак.

Ўқувнинг мавжуд системаси бу вазифаларни ҳал қила олмайди. У ҳаётдан ажралиб қолган, жуда улканлашиб кетган, ҳаддан ташқари регламентга солинган. Сўз билан тарбиялаш ҳамиша ҳам иш билан тарбиялаш, омманинг ғоявий-сиёсий тажрибаси билан боғлиқ бўлавермайди. Кўпчилик пропагандистлар ва тингловчилар партия ҳужжатларига, марксизм-ленинизм асосчиларининг асарларига мурожаат этмайдилар. Абстракт маърифатчилик ва қироатхонлик билимларнинг чинакам бойиб боришига халақит бермоқда. Ижодий бахсларнинг, ошкора фикрлашишларнинг йўқлиги ўқишга бўлган қизиқишни анча камайтириб, унинг обрўсини тушириб юборди.

Сўнгги йилларда идеология ишининг бу муҳим соҳасига партиявий раҳбарлик жуда бўшашиб кетди. Кўпгина партия комитетлари, район, шаҳар, область, ўлка партия комитетлари ҳамда иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, уларнинг секретарлари меҳнаткашларнинг марксча-ленинча таълими билан юзаки шуғулланмоқдалар, бу ишни сиёсий маориф уйлари ва кабинетлари зиммасига юклаб қўйдилар. Биринчи секретарлар машғулотларга йиллаб келмайдилар, кадрларнинг сиёсий ва назарий тайёргарлиги, ғоявий-маънавий чиниқиши билан қизиқмайдилар. КПСС Устави талаблари асосида назарий савиясини ошириш учун коммунистлардан шахсан талаб қилиш пасайиб кетди. Министрликлар ва идораларнинг, корхоналар ва муассасаларнинг кўплаб раҳбарлари меҳнаткашларнинг иқтисодий таълимини ташкил этишдан ўзларини четга олдилар. Партия комитетларининг секретарлари ва тармоқ бўлимлари ҳам бу ишдан четда турибди.

Жадаллаштириш стратегияси, мамлакатдаги янги ғоявий-маънавий муҳит сиёсий ва иқтисодий ўқув системасини қайта қуриш, унинг сифати ва натижадорлигини анча ошириш учун ғоят қулай ижтимоий шароит яратмоқда.

Қайта қуришнинг моҳияти таълим мазмунини тўла янгилашдан, ғоявий-назарий савиясини оширишдан, таълим беришнинг замонавий методларини кенг жорий этиш ва унинг ҳаёт билан алоқасини мустаҳкамлашдан иборат. Ўқувнинг ҳамма формаларида КПСС XXVII съезди қарорларини, партиянинг новаторлик сиёсати асосий масалаларини чуқур ўрганиш ташкил этилади. Марксизм-ленинизм назариясини ўзлаштириш жамият тараққиётининг ҳозирги босқичини — революцион ва ҳар томонлама ўзгартиришлар босқичини, КПСС ва совет халқининг программавий мақсадлар ва вазифаларини амалга ошириш учун курашнинг реал практикасини англаб етишга қаратилиши керак. Коммунистлар, барча меҳнаткашлар чуқур англаган, уларнинг қалбига етиб борган ва амалий ишларда моддийлашган съезд ғоялари тараққиётимизнинг боришини белгилаб беради, мамлакатимизни сифат жиҳатидан янги марраларга олиб чиқишни таъминлайди.

Ўқув мантиқи янги эҳтиёжларга мувофиқ ўзгармоқда. Машғулотларда воқеликни унинг конкрет хилма-хиллиги, кўп қирралилиги, зиддиятлилиги билан, доимий ҳаракатдалиги билан ўрганмоқ керак. Ўтмишга бир томонлама баҳо беришдан, абстракт назариялаштиришдан қатъият билан халос бўла бориб, назарияни амалиёт билан мустаҳкам боғлиқ ҳолда ўрганишни таъминлаш лозим. «Ҳаёт, практика нуқтаи назари билиш назариясининг биринчи ва асосий нуқтаи назари бўлмоғи керак» — деб таъкидлаган эди В. И. Ленин (18-том, 162-бет).

## II. Сиёсий ўқув янги талаблар даражасига кўтарилсин

Амалга оширилаётган ўзгартишларнинг кўламлари ва янгилиги сиёсий ўқувга (партия ва комсомол ўқувига) ғоят юксак талаблар қўймоқда. У партия ўртага қўяётган вазифаларга, практиканинг актуал эҳтиёжларига янада тўлароқ, тезкорлик билан жавоб беришга қодир бўлган ўзгарувчан, пухта, жўшқин ривожланувчи система бўлиб қолиши керак.

Партия ўқувининг асосий мақсади — коммунистларда юксак ғоявийлик ва онглиликни тарбиялашдан, уларнинг ҳар бирида сиёсий жангчи ва омма ташкилотчиси, партия бош йўлининг актив амалга оширувчиси, шахсий манфаатларини ижтимоий манфаатларга бўйсундиришга, халққа садоқат билан хизмат қилишга тайёр туриш фазилатларини ривожлантиришдан иборат.

Коммунистларни ғоявий-назарий ва сиёсий жиҳатдан тайёрлаш — КПССни мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришнинг, унинг сафлари жипслигини кучайтиришнинг, партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини ва авангардлик ролини, кадрларнинг ташаббускорлиги ва масъулиятини оширишнинг, партия аъзоси соф ва ҳалол қиёфасини қарор топтиришнинг муҳим омилидир.

Машғулотларнинг амалий самараси қатъиян кучайтирилсин. Тингловчиларни янгича ишлашга, хўжаликни моҳирлик билан юритишга, уни оқилона бошқаришга ўргатиш, уларда ўз меҳнатига умумдавлат ишининг бир зарраси сифатида онгли муносабатни тарбиялаш зарур.

Сиёсий ва иқтисодий ўқув ташкилий структураси қайта қурилсин. Формаларнинг ҳаддан ташқари кўплигидан қутилиш, бу формаларнинг назария ва сиёсатни, КПССнинг ҳозирги йўл-йўриқларини самаралироқ ўрганишни таъминлайдиганларидан оқилона фойдаланиш лозим.

Коммунистлар, комсомол ва партиясизларнинг эҳтиёжлари тўлароқ ҳисобга олинсин, ўз билимларини оширишга муттасил қизиқиш тарбиялансин. Партия ҳужжатларига, дастлабки манбаларга доимий мурожаат қилиш, ғоявий-сиёсий, илмий-техникавий ва иқтисодий билим даражасини кенгайтириш ҳар бир кишининг маънавий эҳтиёжига айланишига эришилсин.

Меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқувига раҳбарлик услуби ва методлари ўзгартирилсин. Марказлаштирилган асосда олиб бориладиган ишларни партия ташкилотлари мустақиллигини кенгайтириш, ўқув сифати ва натижалари учун уларнинг масъулиятини ошириш билан энг мақбул даражада қўшиб олиб бориш таъминлансин. Ишнинг бу соҳасида партия, хўжалик, касаба союз ва комсомол органлари фаолияти ва баҳамжиҳат ишлашини мувофиқлаштириш кучайтирилсин.

Қайта қуришни амалга ошириш чоғида пропаганданинг ленинча принципларига, большевизмнинг буюк анъаналарига мунтазам таяниш лозим. Партиявийлик, илмийлик, ҳаёт билан мустаҳкам алоқа сиёсий ва иқтисодий ўқув таъсирчанлигининг ўзгармас негизидир.

XXVII съезд олға сурган назария ва сиёсатнинг актуал проблемалари (улар марксизм-ленинизмни ривожлантиришда янги босқичдир) партия стратегик йўли ва амалий фаолиятининг илмий асослари партия ўқувининг мазмунини ташкил этади. КПСС аъзолари мамлакатда ва жаҳонда юз бераётган реал жараёнларни ўрганар эканлар, К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин назарий меросига таянишлари лозим. Партия ленинизм руҳини мумкин қадар тўлароқ тиклашга, кадрларга нисбатан ленинча талабларни қарор топтиришга ҳаракат қилаётган ҳозирги шароитда В. И. Ленин асарларини ҳар бир киши чуқур ўрганиши, унинг фикрларига, ғояларига мурожаат қилиши шарт.

Коммунистлар, комсомоллар ўзларида партия ва ҳукуматнинг кундалик ҳужжатларини мунтазам ўрганиб бориш эҳтиёжини ҳосил қилишлари, газета ва журналлардан, телевидение ва радиодан ижтимоий-сиёсий ахборотни ўқиб, эшитиб, кўриб ўрганиб боришлари, адабиётга, санъатга мойилликни тарбиялашлари, социал ва маънавий турмуш ҳодисаларига баҳо беришни ўрганишлари керак.

Келгуси даврда қуйидаги ўқув курслари тавсия этилади:

Мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш — КПССнинг стратегик йўли.

Социализмни такомиллаштириш назарияси ва практикаси.

Совет экономикаси: ўсишнинг янги сифати.

Бошқариш системасини ва хўжалик юритиш методларини қайта қуриш.

Социализм тараққиётининг инсон омили: моҳияти ва проблемалари.

КПССнинг актив, яхлит социал сиёсати.

Совет жамиятини революцион тарзда янгилаш ва социал адолат.

Қайта қуриш шароитида КПССнинг кадрлар сиёсати.

Социалистик демократизмни ҳар томонлама кенгайтириш, халқнинг ўз-ўзини бошқарувини чуқурлаштириш, совет жамияти ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш.

Миллий муносабатларни ривожлантиришнинг, интернационал ва ватанпарварлик тарбиясининг долзарб муаммолари.

КПСС XXVII съезди маданият соҳасидаги сиёсат ҳақида.

Меҳнаткашларда илмий-материалистик, атеистик дунёқарашни шакллантириш проблемалари.

Ҳозирги дунёда мафкуравий кураш.

Жаҳон социализми тараққиётининг ҳозирги босқичи ва социалистик мамлакатлар ҳамкорлиги.

КПСС нинг ташқи сиёсий стратегияси ва ядро асрида янгича сиёсий тафаккур.

Марксизм-ленинизм университетлари, сиёсий семинарлар ва сиёсий мактаблар, якка тартибдаги планлар асосида ўз билимини ошириш партия ўқувининг ташкилий структурасини ташкил этади.

Марксизм-ленинизм университетларининг роли ортади. Уларда сиёсий ва иқтисодий ўқув системаси учун пропагандистлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш амалга оширилади, партия комитетларининг номенклатураси ва резервидаги ходимлар бу университетларда ўзларининг ғоявий-назарий савияларини оширадилар.

Турли категориядаги коммунистлар ва партиясиз активлар ўқувининг асосий формаси сифатида сиёсий семинарлар кенг ривожлантирилади. Уларда машғулотларни тингловчилар — инженер-техник ходимлар, ўқитувчилар, врачлар, фан ва маданият арбоблари, партия-хўжалик ва идеология активлари ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб ташкил этмоқ керак. Ижодкор зиёлилар орасида сиёсий семинарларнинг обрўсини, уларда ғоявий қатъиятни, аниқ дунёқараш позицияларини, ижтимоий турмуш ҳодисаларига синфий жиҳатдан ёндашувни тарбиялашда бу семинарларнинг ролини ошириш керак..

Сиёсий мактаблар тингловчиларни партиямизнинг ҳозирги сиёсатини чуқур билиш, меҳнат коллективларининг иқтисодий ва социал турмушини таҳлил этиш кўникмаларини ҳосил қилиш билан қуроллантиришнинг сифат жиҳатидан янги формаси бўлиши керак. Бундай мактаблар, қоида тариқасида, ўрта ва тўлиқсиз ўрта маълумоти бўлган коммунистлар ва партиясиз активлар учун тузилади.

Шахсий планлар асосида сиёсий ўқув практикаси такомиллаштирилмоқда, унинг бажарилиши устидан таъсирчан назорат системаси жорий этилмоқда. Шу мақсадда партия комитетлари сиёсий маориф кабинетлари ва уйлари негизида консультация пунктлари, доимий ишловчи лекторийларнинг кенг шохобчасини уюштирадилар, мунтазам тарзда консультациялар, тематик лекциялар ва суҳбатлашувлар туркумини ўтказадилар.

Комсомоллар ва ёшларнинг ўқуви йигит ва қизларни партиямиз ички ва ташқи сиёсатининг проблемаларини, фан, маданият ва санъатнинг актуал масалаларини ўзлаштиришга жалб этишнинг оммавий формалари бўлган комсомол сиёсий мактаблари ва семинарларида, сиёсий мунозара клубларида амалга оширилади. Унда ўқув ижодий изланиш характерига эга бўлиши, ёшлар учун марокли ва улар дидига мос бўлиб, йигит-қизларнинг эҳтиёжлари билан мустаҳкам боғланган бўлиши, уларнинг меҳнатда, ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида ўзларини кўрсатишга интилишларини қўллаб-қувватлаши, актив гражданлик позициясини шакллантиришга кўмаклашиши керак.

Коммунистлар, комсомоллар ва барча меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган маънавий эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, уларда ижтимоий-сиёсий билимларга барқарор қизиқишни ривожлантириш мақсадида халқ университетлари, лекторийлар, конференциялар, сиёсий китоб клублари сингари оммавий пропаганда формаларидан ҳам кенгроқ фойдаланиш зарур.

Ўқувни ташкил этишнинг демократик принциплари янада ривож топади. Янги система сиёсий, иқтисодий, социал, ҳуқуқий ва бошқа билимларни тўлдириш учун коммунист ва комсомолларга кенг имкониятлар очиб беради. Ўқувнинг мажбурийлиги формаларни танлаш ва тавсия этилаётган курсларни танлашдаги ихтиёрийлик билан бирга қўшиб олиб борилади. Марксча-ленинча таълимнинг рационал структураси, мактаблар ва семинарлар сони ҳамда уларни комплектлаштириш тартибини, улардаги тингловчилар составини партия ташкилотлари малакали пропагандистлар мавжудлиги, ўқув моддий базасининг аҳволи, меҳнаткашларнинг ишлаб чиқариш ва жамоат иши характери, уларнинг маълумоти, сиёсий, иқтисодий, профессионал тайёргарлиги даражасини инобатга олиб белгилайдилар. Зарурат туғилганида бригада, участка, ферманинг ҳамма аъзолари биргаликда ўқиши мумкин бўлган сиёсий мактаблар ва семинарлар очиш керак.

Ўзлаштирилаётган районларда, олис участкаларда, нефть конларида, геология-разведка партияларида, чорвачилик яйловларида, меҳнат мавсумий ёки кўчма характерга эга бўлган ишлаб чиқариш коллективларида ишлаётган коммунистлар ва партиясизлар ўқувининг форма, метод ва муддатларини тегишли партия ташкилотлари белгилайдилар.

Сиёсий мактаб ва семинарлар одатда шаҳарда 1 октябрдан 1 июнгача, қишлоқда 1ноябрдан 15 апрелгача ишлайди. Марксизм-ленинизм университетлари ва уларнинг филиалларида ўқув йили 1 сентябрдан 1 июнгача давом этади. Машғулотлар кунларини маҳаллий партия комитетлари белгилайдилар.

(Давоми иккинчи бетда).

## Жуда катта хизматлари учун мукофот

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Корея Халқ Демократик Республикаси халқлари ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришдаги жуда катта хизматлари, тинчлик ва социализмни мустаҳкамлаш ишига қўшган катта ҳиссаси учун ва туғилган кунига етмиш беш йил тўлиши муносабати билан СССР Олий Совети Президиуми Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Корея Халқ Демократик Республикасининг президенти ўртоқ Ким Ир Сенни Ленин ордени билан мукофотлади.

* * *

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми Корея Халқ Демократик Республикасининг атоқли партия ва давлат раҳбари, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби Ким Ир Сенни туғилган кунига етмиш беш йил тўлиши билан самимий табрикладилар. Ким Ир Сенга табрик мактубида СССР ва КХДР халқлари ўртасидаги марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализмининг мустаҳкам пойдеворига таянувчи дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга у қўшган ҳиссани, шунингдек империализмнинг қуролланиш пойгаси ва ҳарбий можаролар чиқариш сиёсатига қарши жаҳон демократик кучларининг курашини кучайтириш йўлидаги куч-ғайратларини Совет Иттифоқида юксак баҳолашлари айтилади.

(ТАСС).

● *Бугун—Москвада ВЛКСМ XX съезди ўз ишини бошлайди*



## ЖАДАЛЛАШТИРИШГА—КОМСОМОЛ ШИЖОАТИ

**ВЛКСМ XX съездида қатнашаётган республикамиз вакиллари орасида ана шундай фидокор ёшлар анчагина. Жумладан, Чиноз районидаги «Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми соғувчиси Дилбар Сафарова, Хива гилам комбинати тўқувчиси Зайнаб Мейлиева, Хатирчи районидаги «Партия XXII съезди» колхози раиси, ёш коммунист Суннат Носиров, Андижон мебель фабрикаси** ишчиси Абдулбори Латипов сингари съезд делегатлари Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига авж олаётган социалистик мусобақада фаол иштирок этмоқдалар.

Республика комсомол ташкилоти сафларида 3 миллиондан зиёд йигит-қизлар бор. Комсомолларнинг 2 миллиондан кўпроғи бевосита моддий неъматлар ишлаб чиқаришда қатнашмоқда. Бу — катта куч, албатта. Кейинги пайтларда комсомол органлари расмиятчиликка, қоғозбозликка, тўрачиликка барҳам бериб, эскича иш услубидан юз ўгираётганлиги эътиборга лойиқдир. Ёшларимиз салбий ҳодисаларга қарши курашда актив қатнашмоқда, республикада соғлом ижтимоий муҳитни вужудга келтиришга кўмаклашмоқда.

Бироқ комсомол ташкилотлари ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ва меҳнат активлигини ошириш борасида ҳали етарли фаоллик кўрсатмаяптилар. Партия комитетлари комсомолга раҳбарлик ва ғамхўрликни кучайтиришлари лозим. Ёшларга таяниш, уларга кўпроқ мустақил соҳаларни дадил ишониб топшириш талаб этилади. Партия комсомол-ёшларнинг битмас-туганмас куч-ғайрати, ижодий ташаббускорлигини ҳамиша қадрлайди ва мамлакатни ривожлантиришнинг масъулиятли, бурилиш босқичида ёшлар энг мураккаб вазифаларни амалга оширишни ўз зиммаларига олишларига ишонади.

Суратда: ВЛКСМ XX съездида иштирок этаётган республикамиз вакилларидан бир группаси.

В. Молгачев фотоси.

